

Шундай қилсак, аъзоларимизнинг фаоллиги ошади, фуқаролик позицияси мустаҳкамланади. Энг муҳими, бошланғич партия ташкилотларимиз ҳақиқий таянчимиз ва суянчимизга айланади.

РАСМИЯТЧИЛИК ЁКИ КАМПАНИЯБОЗЛИК ЭМАС,

халқ манфаати ва розилиги учун

Давлатнинг мустақамлиги, жамиятдаги барқарор ижтимоий муҳит ҳақида халқ билан мулоқот — яқин ва очик мулоқот орқали амалга ошади. Амир Темур бобомиз салтанат қуриш, давлатни барқарор тутишнинг 12 та қонуни (асоси) — Тузукидан бири сифатида халқ ҳолидан доимий бохабар бўлиб туришни кўрсатганлар: «ранят аҳволидан огоҳ бўлдим, улугларини ога қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табияти, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мизожидан воқиф бўлиб турдим. Ҳар бир диёр аҳолисининг аҳволидан огоҳ бўлиб турдим. Ҳар бир мамлакатнинг аҳволини, сипоҳу раият кайфиятини, туриш-турмушини, қилиш-қилмишларини, булар ўрталаридаги алоқаларни хатта битиб, менга билдириб туришлари учун диёнати, тўғри ёзуви кишиларни белгиларим. Борди-ю эгри ёзганлари менга билдирилса, уларни жазоладим. Ҳокимлару сипоҳдан қай бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим».

Дарҳақиқат, халқ билан мулоқот жуда жиддий масала, у ўта масъулият ва жавобгарликни талаб қилади. Мулоқот иш услуби, қўндалик ҳаётга айланиши, у турмушимиздан мустақам ўрин олиши керак. Жорий йилнинг мамлакатимизда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши, барча вилоят ва туманларда одамларнинг арзини тинглайдиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарининг очилиши, халқ билан давлат раҳбарининг очик мулоқотини ўрнатиш ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш борасидаги фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Президент девониде алоҳида Хизмат жорий қилингани каби сай-ҳаракатлардан давлатнинг халққа яқинлашуви, халқнинг раҳбарларга эмас, раҳбарларнинг халққа хизмат қилиши лозимлиги назарда тутилмоқда.

Шу ўринда давлат раҳбарининг шахсан ўзи академиклар, зиёлилар, соғлиқни сақлаш тизими, ички ишлар, прокуратура, суд идораси вакиллари, депутат ва сенаторлар, ёшлар вакиллари, дин арбоблари, исломий таълим муассасалари мутасаддилари ва талабалари билан алоҳида-алоҳида очик мулоқотлар ўтказганини эслаб ўтиш жоиз деб ўйлаймиз.

Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхона эл-юртимиз ўртасида фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжларини қонуний асосда ҳал қилишда муҳим роль ўйнайдиган институтга айланиб улгурди. Буни ўтган давр мобайнида уларга қарийб 1 миллионга яқин фуқаро мурожаат қилганида ҳам кўриш мумкин.

Одамлар билан турли шакл ва усулларда мулоқот қилинмоқда. Жумладан, давлат раҳбарининг топшириғига биноан Президент девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан сайёр қабуллар ташкил этилмоқда. Ҳозиргача ҳудудларимизда ўтказилган 120 дан ортиқ сайёр қабулда жами 10 мингдан зиёд фуқаро билан бевосита юзма-юз суҳбат қилинди. Мулоқот ўтказилган манзилларга қараб кўп нарсанинг моҳияти аниқлашди: Ургут тумани Қоратепе, Форишнинг Эгизбулоқ, Чироқчи тумани Кўкдала, Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоқлари, Янгйбозор тумани «Бегават — Бўкала» фермер ҳўжалиги даласи, Ҳўжайли тумани «Саманкўл» овул фуқаролар йилғини, Мўйноқ тумани... Бундай манзиллар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Дала шийпонлари, мактаб ва коллежлар, қишлоқ ва овуллардаги учрашувлар, ўнлаб ногирон ва эҳтиёжманд оилалар хонадонига бўлган ташрифларни ҳам шулар қаторида санаш ўринлидир. Ҳозирги ёндашув ва мезон худди шунақа: одамлар раҳбар қабулига кириш, маҳалласида ҳал бўладиган муаммони 100-150 километр узоқликдаги вилоят марказига еҳуд 800-1000 километр наридаги поштахотга бориб ҳал қилиш учун сарсон ва обора бўлиб юрмасин. Муаммо ечилиши учун вақтни совурмайлик, уни жойида бартараф этайлик. Халқни ўзимиздан, ҳаётдан рози қилайлик. Улар ўзларининг эҳтибор ва

ҳимояда эканини ҳар дақиқада, ҳар қадамда ҳис қилиб яшасин. Халқ билан мулоқот кампанияга эмас, тизимга айлانسин. Расмийчиликлардан, баландпарвоз гаплардан, қуруқ рақам ва ҳисоблардан қочайлик, умумий гаплардан аниқ, амалий ишларга ўтайлик, реал воқеликка, ҳаётга яқинлашайлик. Мансаб ва мартабани мана шу халқ берганини, унга садоқат билан хизмат қилиш инсоний бурчимиз эканини бир зум ҳам унутмайлик. Одамларнинг аризи шикоятига беписанд қараган раҳбарга орамизда ўрин йўқ, раҳбарлик фаолияти баҳоси одамларнинг оғирини енгил қилишга, халқни рози қилишга қараб белгиланади. Яқинда Шўрчи ва Шовот тумани ҳокими айнан фуқаролар ариза ва шикоятлари билан ишлашдаги нўсонлари, халқ билан мулоқот ўрнатишдаги камчиликлари туфайли ишдан олингани ва шу каби бошқа мисоллардан кўпчилик хабардор бўлса керак.

Сайёр қабуллар ҳақидаги фикримизни давом эттириб, эҳтибор

ўзини қийнаётган қатор муаммолар — иш ҳақи, ишсизлик, ундирилмаётган алимент пули, кредит ажратиш, тоғликлари ун, ўсимлик ёғи, шакар ва бошқа асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни кўпайтириб, арзонлаштирилган нархларда етказиб бериш, даволаниш, мудардлик ҳарбий хизматга боришда кўмак бериш, тергов ва суд ишидан норозилик, қарзларни ундириш, доривор ўтлардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бир-биридан долзарб масалаларда мурожаат қилди. Аксар мурожаатлар шу ернинг ўзида ечимини топти, қолганлари бўйича тушунтиришлар берилди. Ушбу мулоқотда йиллаб ечилимай, ота ва фарзанд, ака ва ука ўртасига совуқлик солиб келатган 1,8 гектар ер майдонидаги боғни тақсимлаб бериш бўйича мурожага келинди, энг муҳими, бир-биридан аразда юрган жигарлар яраштириб қўйилди. Сайёр суд мажлисида 4 та маҷайлик ёш йигитга тайинланган озоқликдан маҳрум қилиш жазоси бекор қилинди ва улар озоқликка чиқарилди. Қишлоқлардаги баллонли газга бўлган талаб инобатга олиниб, шу йилнинг 1 октябрига Маҷай қишлоғида суолтирилган газ баллонларини сақлаш сервис марказини ташкил қилишга келишилди ва «Ўзтрансгаз» компанияси томонидан дастлабки ҳаракатлар бошлаб юборилди. Чеварлик қўлидан келадиган ишсиз қизлар тикув машиналари билан таъминланганидан бўлди.

Яна битта мисол. Мобиль алоқанинг сифати ёмонлиги, алоқада узилиш ва техник нўсонлар кўпчилигини ҳисобга олиб, яқинда «Маҷай» қишлоқ фуқаролар йилғини ҳудудидаги қишлоқларда UzMobile Миллий операторининг 2 та, Perfectum Mobile оператори

нисбатан «оёғи ердан узилган», деб таъриф берилади. Оёқнинг ердан узилиши ёмон — «ерликлар», яъни оддий одамларнинг аҳволидан беҳабарлик, уларнинг муаммолари билан шўғулланмасдан, кабинетга қамалиб «кабинетраҳбар»га айланиш давлат ва жамият ҳаёти, унинг тараққиёти учун ҳақиқатан эҳтимолий ҳаф-хатта туғдириб келган. Бунга узоқ-яқиндан кўп-кўп мисол келтириш мумкин.

Сайёр қабуллардан, халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонага аҳолидан келиб тушаётган мурожаатлардан қўринадиган, халқимиз олдида анча-мунча муаммолар йиғилиб қолган. Аҳоли энг кўп уй-жой масаласида, ҳўқуқни муҳофаза қилувчи идора ва ташкилотлар, соғлиқни сақлаш соҳасига алоқадор масалаларда қийинчиликларга дуч келмоқда. Айниқса, ногирон ва меҳнатга лаёқати чекланган инсонларнинг ижтимоий ҳимояси долзарб бўлиб турибди.

Жойларда ўтказилган сайёр қабуллар давомида қўриндики, бу борада хотин-қизларимизни ижтимоий қўллаб-қувватлаш муҳим ҳисобланади. Юқоридагиларни инобатга олиб, уй-жойга эга бўлмаган ногирон, эҳтиёжманд опа-сингилларимизни қўллаб-қувватлаш мақсадида янги тизим амалиётга жорий қилинмоқда. Унга мувофиқ шундай тоифадагилар рўйхати шакллантирилди, уларга тикув машиналари текин тарқатилиб, ҳомашё билан таъминланмоқда. Маълум бўлишича, «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти (АЖ) тизимида бир йилга 3 миллион 300 минг дона пахта этаги, 111 минг дона автошолча ҳамда 182 минг дона бўз қоп, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖда эса 73,7 минг дона қўлқоп, 9,5 минг дона нимчаларга эҳтиёж бўлиб, буюртмаларни

Ҳозирда Ўткир Айтулов оиласига ҳомийлик ҳисобидан 3 хонали уй қуриб берилди, шарт-шароити, моддий таъминоти доимий назоратга олинди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Самарқанд вилоятидаги учрашувларнинг бирида кекса отахон Нуробод туманининг Жом қишлоғида трансформаторлар эскириб кетгани оқибатида 28 минг-лик қишлоқ аҳолиси электр таъминотида қийналаётгани, трансформаторларни алмаштириш бўйича қилинган қатор мурожаатлардан наф бўлмаётгани ҳусусида кўниб гапирди. Мутасаддилар билан биргаликда қишлоққа борилиб, мавжуд вазият билан жойида танишиб чиқилди ва «Ўзбекэнерго» АЖ раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берилди. Натижада электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида 16,6 километрга сим тортиш ва қишлоқда нимстанция қуриш режалаштирилди. Ҳозирги кунда 43 та темир бетон таянч, 7 та металл таянч ўрнатилди, 8 километрик массафга сим тортилди. Нимстанция қурилиши жадал давом этмоқда.

Барча ишлар якунига етгач, Жом ҚФЙга қарашли 6 та маҳалла фуқаролар йилғинида истиқомат қилувчи 4475 та хонадоннинг ҳамда қишлоқдаги 20 та ижтимоий соҳа объектининг электр таъминоти бутунлай яхшиланади.

Умуман, электр, газ, автойўл масаласида ҳудудларимизда, айниқса, қишлоқ жойларимизда яшайётган аҳолида ҳақиқий норозилик борлигиндан кўз юмиб бўлмайди. Энг зарур ҳаётий эҳтиёжлар ҳисобланган ушбу соҳалардаги муаммолар узоқ йиллар давомида йиғилиб қолганини, уларнинг ҳаммасини бир ўринида ечиш ҳам мушкул эканини, бу борада давлатимиз томонидан катта лойиҳа ва режалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этила бошланганини халқимиз кўриб, тушуниб турибди, албатта. Сайёр қабулларда аҳолига ана шулар ҳусусида ҳам батафсил маълумотлар бериб бориляпти.

Учрашувларда ишсизлик масаласи билан кўпроқ дуч келинмоқда. Ақриқлар сони ҳавотирли равишда ортиб бораёттир, алимент масаласида мурожаатлар камаймаяпти. Айрим туман ва шаҳарларда раҳбар шахслар фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашни етарли даражада йўлга қўя олмапти, одамларни бутун кел, эрта кел, индин кел, деб овора қилиш, ваъда бериб, бажармаслик ҳолатлари мавжуд.

Шу ўринда битта мисолни келтириб ўтсак. Жиззах вилоятининг Фориш туманида бўлиб ўтган сайёр қабулда Сайёд қишлоғида яшовчи Марат Махмуровнинг отасидан мерос қолган Қашқар рубобини туман ҳокимлиги вакиллари бундан 3 йил илгари қўрғазмага олгани ва шундан кейин қайтариб бермагани ҳақидаги мурожаати туман ҳокими иштирокида муҳокама қилинган, ҳоким масалани тезда ечишга сўз бериб, шундай соғза буюртма бериш тўғрисида мутасадди кишиларга топшириқ берган эди. Мана орадан 2 ой ўтган бўлса-да, арзимас мана шу муаммо ҳал қилингани йўқ...

Узоқ вақт, катта маблағ талаб этмаса-да, ечимини қўтиб, ҳавода муаллақ осилиб турган бундай масалаларни яна келтириш мумкин. Жойлардаги катта-кичик раҳбарлар ўз ваъдасига, вазифасига ана шундай муносабатда бўлиб, аввало ўзига баҳо бераётганини тушуниб етмаётганини афсусландириш ҳол, албатта.

Халқ билан очик мулоқотлар бизга ўз муаммоларимизни янада ёқинлаштириб, бир-бирини билиш, тушуниш учун ундан самаралироқ восита йўқ. Очик мулоқотлар давлат ва жамоат ташкилотларининг халқ билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, жамиятга очик ва ошқораликни, инсон ҳақ-ҳўқуқлари ва манфаатларини тўла равишда таъминлашга, охири-оқибати иттифоқликка, интифоқликка хизмат қилиши зарур.

Акбар ЖОНУЗОҚОВ

Муносабат

Президентимизнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи фарғоналик ёшлар орасида катта қизиқиш ва эҳтибор билан ўрганилмоқда. ЎзХДП Фарғона вилоят кенгашининг «Истиқбол» ёшлар қаноти тарғиботчилар гуруҳлари аъзолари иштирокида очик мулоқотлар ўтказилмоқда.

УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

Афросиёб ҲУСАНОВ,
халқ депутатлари Қувасой шаҳар
Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси,
«Global Engineering Construction»
хусусий корхонаси раҳбари:

— Мен қурувчиман. Қурилишда шундай қоида бор — бионинг пойдевори мустақам бўлиши лозим. Шунда қурилган иморат бир неча авлодларга хизмат қилади.

Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар ташкилоти йиғилишидаги нутқини мустақам пойдеворга ўхшатиш келди. Балки, ҳаётий тажрибам камроқдир, аммо шу пайтгача ёшлар ҳаёти, ташкилот фаолияти бу қадар чуқур таҳлил қилинганини кўрмагандим.

Мен турли соҳалар билан шўғулланаётган ўнлаб иқтидорли йигит-қизларни биланман. Лекин уларнинг фикри, тақлифи, ташаббуси қўллаб-қувватланмайдиган, истеъдодида муносиб баҳо берилмайдиган. Президентимиз ёшлар ташкилотининг фаол аъзоларини кадрлар захирасига олиш лозим, деганларида бу эҳтибор ва ишончдан жуда қувондим.

Ёшларга бўш турган бинолар «ноль» қийматида берилиши, мисли қўрилмаган солиқ имтиёзлари бизнинг кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшади.

Президентимизнинг юксак ишонарчи ва эҳтиборидан руҳланиб тенгқурларим билан янги лойиҳалар ишлаб чиқишга киришдик. Уни Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг Фарғона вилоятига тақдим этамиз.

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳам ўз фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиши лозим, деб ҳисоблайман. Аввало номига ташкил этиладиган тадбирларга барҳам бериб, ёшлар ичига кириш, уларнинг оруз-ўйлари амалга ошишига кўмаклашиш лозим.

«Ёш сиёсатчи» қўрик-танловининг шартларини ранг-баранглигини ошириш керак.

Яна бир масала. Афсуски, Фарғона вилоят, туман ва шаҳарлар Кенгашидаги партияимиздан сайланган 202 нафар депутатдан атиги 4 нафарини 30 ёшгача бўлган ёш ташкил этади. Кейинги сайловларда мазкур масалага ҳам алоҳида эҳтиборга қаратиш керак.

Хулоса шуки, мамлакатимиз ёшлари ҳаётида улкан ўзгаришлар даври бошланди. Бу жараёндан четда туришга ҳаққимиз йўқ.

«Ўзбекистон овози» муҳбири
Муҳаммаджон ОБИДОВ
ёзиб олди.

Ўзбекистон ХДП ҳаётидан Мурожаатлар ҳал этилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туманидаги маҳаллаларда халқ билан мулоқот қилиб, учрашувлар ташкил этди.

— Бир қатор овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли билан учрашувлар ўтказдик. Ўз ечимини қўтаётган масалаларни ўрганиб, тегишли ташкилотлар ёрдамида уларни ҳал қиляпмиз, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Салаватдин Худайбергенов. — Масалан, Ёўстон шаҳри ва «Шарқ Юлдузи» овул фуқаролар йиғини ораллигида йўналишни йўловчи транспорти қатнови ташкил этилди. «Эллиқалъа», «Шарқ Юлдузи», «Ақчақўл» овул фуқаролар йиғинлари ва «Тупроққалъа» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш ишлари йўлга қўйилди. «Шарқ Юлдузи» овул фуқаролар йиғинида ер ости зах сувларини тозалаш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, тақлиф ва тавсиялар асосида тиббиёт бirlашмаси томонидан кам таъминланган оилаларга дори-дармон етказиб бериш масаласи ҳам ечим топти. Эҳтиёжманд оилалар хонадонларига бориб, уларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



рингизни қўйидаги мисолга жалб этишни ўринли деб биламиз.

Мамлакатимизнинг жанубий нўктаси Термиз шаҳри эканлигини кўпчилик яхши билади. У пойтахтимиздан қарийб 800 километр узоқликда жойлашган. Энг чекка, тоғли туманлардан бири Бойсун вилоят марказидан 150 километр олдидан, туманининг сўлим қишлоғи бўлиши Маҷай эса янаям ичкарироқда, осмон билан бўйлашган тоғу даралар, қизилранг адирликлар оралаб яна 80 километрча юрасиз.

Айнан ана шу чекка ва бориш анча-мунча машаққат талаб қиладиган тоғ қишлоғига яқинда 20 дан ортиқ вазирилик, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари, вилоят ва туманининг барча мутасаддилари Маҷай ҚФЙга қарашли 7 та — Юқори, Ўрта, Пастки Маҷай, Ҳўжадия, Газа, Қизилнавар ва Кентдала қишлоғида истиқомат қилаётган аҳолининг аҳволидан хабар олиб, уларнинг турмуш шароити билан яқиндан танишишга, дарду ташвишларини эшитиб, муаммоларини ҳал қилишга — халқ билан мулоқотта борди — Президентимиз олиб бораётган сиёсатнинг тўб моҳияти, раҳбарларга қўйилаётган талаб ва масъулият бугунги кунда мана шундай.

Ўрта маҷайда бўлиб ўтган ушбу сайёр қабул муҳити жуда самимий, расмийчиликлару чекловлардан холи, тоғликларга хос дангалликда ўтди. Тоғ аҳолиси

рининг 1 та таянч база станциялари ўрнатилди. Натижада ҳудуднинг 80 фоиз аҳолиси арзон ва сифатли мобил алоқа хизматларидан фойдаланиш имконига эга бўлди. Маҷай қишлоғига қарашли 4 та мактаб «Ziynet» таълим тармоғига уланди.

Айтиш мумкинки, бугун чекка-чекка ҳудудларимизда ўтказилаётган ана шундай сайёр учрашувлар кундалиқ тарзимизга айланиб улгурди. Раҳбарларнинг қабули кабинету мажлислар залидан одамлар орасига, уларнинг яшаш жойларига кўчди. Бугун раҳбар қабулига борилмайдиган раҳбарнинг ўзи келади — халқ қабулхонасига, қишлоққа, овулга, хонадонга, қишлоқ врачлик пунктига, шифохонага, муруват уйига, Меҳрибонлик уйларига. Кабинетда ўтириб чиқарилган қарорнинг сифати ва ҳаётлиги билан халқнинг ичига кириб тайёрланган қарор ўртасида, табиийи, фарқ катта бўлади. Аҳоли билан мулоқот орқали ҳар бир раҳбар ўз фаолиятида қайси жиҳатларга эҳтибор қаратиш кераклигини, қаерларда хато бўлаётганини, оқсашларнинг асл сабаб ва илдизлири нималарда эканини тез ҳамда чуқурроқ англайди, бу ҳулосалар кейинги иш ва режасини қатъийлаштириб олиши учун асосий мезон бўлади.

Дарҳақиқат, халқдан узоқлашган амалдор узоққа бормайди. Халқимиз тилида бундай раҳбарларга

жамиятларга етказиб бериш учун 1350 та қасаначи фаолият юритмоқда. Янги тизим асосида ушбу буюртмалар энди ногирон аёлларга берилади. Буюртма бажарилишидан тушадиган маблағ уларни шахсий уй-жой билан таъминлашга йўналтирилади ва эҳтиёжманд қатлам ўз уйларига эга бўлиши учун мана шундай аниқ амалий тизим фаолият юргизади. Бугунги кунгача Самарқанд вилояти Жомбой туманида яшовчи 1-гуруҳ ногирони Сабохат Жабборовва, оқдарёлик Ойширин Имомова, Сирдарё туманидан 2-гуруҳ ногирони Ирода Нишнова, чушлик 2-гуруҳ ногирони Каромат Парлибоева ва Мингбулак туманидан Обида Қўзибоева каби 30 нафар хотин-қизимиз уй-жой учун бошланғич бадал пулига эга бўлди.

Ғузур тумани «Дултали» маҳалласида яшовчи Ўткир Айтулов туғма кўзи ожиз, қарамоғида 4 киши бор. Опаси ва хотини ҳам туғма ногирон, меҳнатга ярқисиз. Фарзанди 13 ёшда, онасининг ёши бир кам 80. Кун кўриш ногиронлик ва кексалик нафақаси ҳисобидан. Яшаш шароити, уй-жойининг аҳолини кўриб, тўғри-си, юраги эзилмаган инсонни топиб бўлмайди. Қашқадарё вилоятида бўлган сайёр қабул кунларида ушбу ночор хонадонга борилди. Мазкур ҳолатга вилоят, туман ҳокимлиги, маҳалла ва жамоатчилик эҳтибори қаратилди.

Мулоқот инсонларни ўзаро яқинлаштиради, бир-бирини билиш, тушуниш учун ундан самаралироқ восита йўқ.

ИСЛОМ МАДАНИЯТИ МАРКАЗИ

дунё аҳлини бебаҳо ва нодир илмий-исломий меросдан баҳраманд этади

Президентимизнинг пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом даҳасида Ислом маданияти марказини ташкил этиш ҳақидаги қарори асосида бунёд этиладиган маскан нафақат ушбу ҳудудда яхлит бир маънавий-маърифий муҳитни вужудга келтиради, балки юртимиз фуқароларини, бутун дунё аҳлини Ўзбекистоннинг бебаҳо ва нодир илмий-исломий меросидан баҳраманд этади.

Марказ таркибида замонавий талабларга мос кутубхона, музей, архив ва кўлемлар фонднинг ташкил этилиши, улар юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар томонидан асос солинган илмий ва диний мактабларга доир қадимий кўлем ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, шу йўналишдаги замонавий илмий тадқиқот ишлари, китоблар, видео ва фотоҳужжатлар ҳисобидан шакллантирилиши ўта муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Қарорда буюк ватандошларимиз — Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотуридидий, Абу Муин Насафий, Қафқол Шоший, Абдуҳалиқ Гиждувоний, Нахмиддин Кубро, Бурхониддин Марғинович, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Ахрор Вали каби алломаларнинг беазир меросини илмий асосда чуқур тадқиқ этиш, уларнинг илмий-маънавий жасорати, улуг инсоний фазилатларини кенг тарғиб қилиш алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Бу улуг зотларнинг ҳар бири ўз даврининг етук алломалари бўлган.

Биргина Имом Бухорий ҳазратлари бутун дунё имоми, муҳаддислар амираби эътирофларга сазовор бўлган зотдир. Аллома жами 600 минг ҳадис тўплаб, шундан 100 минг саҳих, 200 минг заиф ҳадисни ёд олган, буларни тўплашда тўқсон минг кишининг ҳузурда бўлган. Ушбу ҳадислар ичидан саҳихларини аниқлаб, улар асосида ўзининг машҳур «Ал-Жомеъ ас-саҳих» китобини ўн олти йилда ёзиб тугатган. Мазкур асар Қуръони каримдан кейинги энг мўтабар китоблардан саналади. Ҳатто ислом олами мўғул босқини остида қолганида, улуглар маслаҳатлашиб, балони даф қилиш ниятида Имом Бухорийнинг «саҳих»ларини ўқиб, хатм қилиб туришни тақлиф қилганлар. Уламолардан оғзаки етиб келган маълумотларга кўра, қадимда Бухоро аркида ушбу асарни ўқиб турувчи махсус кишилар тайинланган экан.

Юртимиздан етишиб чиққан дастлабки муҳаддислар Исҳоқ ибн Роҳайқ ал-Марвазий, Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазийлар билан бир қаторда Имом Термизий, Имом Насойи, Имом Доримий Самарқандий, имом Муҳаммад ибн Ҳиббон Бустий Самарқандийларни ва бошқа муҳаддисларимизни ҳам Ислом олами ҳадис илмининг пешволари деб тан олган.

Дунё бўйича энг мўтабар ҳадис китоблари олтига бўлиб, шундан бештасига ҳамма яқдил иттифок қилган. Булар Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом Термизий ва имом Насойиларнинг китоблари бўлиб, шулардан учтаси — Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Насойилар юртимиз фарзандларидир.

Жаҳон илм-фани ривожига муносиб хисса қўшган буюк ватандошларимиз — олим ва мутафаккирлар меросини, Алишер Навоий, Заҳриддин

Муҳаммад Бобур, Камолиддин Бехзод, Маҳмуд Музаҳҳиб сингари мумтоз адабиёт ва санъат намоёндалари ижодининг инсонпарварлик моҳиятини илмий ўрганиш ҳам марказнинг муҳим вазифаларидан бири қилиб белгиланган. Хоразмийнинг ҳисоблаш арифметикаси, Фарғонийнинг геометрик назарияси, Фаробийнинг халқона фалсафаси, Берунийнинг географик ва тарихий амалиёти, Ибн Синонинг тиб қонунлари, Замаҳшарийнинг араб грамматикаси асослари,

анъаналари, халқимизнинг турмуш тарзи ва дунёқараши ислом цивилизацияси билан чамбарчас bogliq ҳолда шаклланиб, ривожланганини қадимий шаҳарларимиз макетлари, ёдгорлик ва муқаддас қадамжолар, улуг сиймолар, ноёб кўлем ва тошбосма асарлар, моддий ва номоддий мерос, хусусан, «Шашмаком» намуналари каби ноёб экспонатлар орқали акс эттириш назарда тутилган. Бутун дунёдан ташриф буюрган меҳмонлар марказнинг ўзидаёқ

шаклланишига кучли таъсир кўрсатган Мусулмон Ренессанси даврида илм-фан, маданият ва санъат, меъморлик ривожини тўғрисидаги кенг қамровли маълумотлар павильонларини ташкил этиш орқали намоиш этиладиган экспозицияларни мазкур даврларга оид экспонат ва кўргазмалар билан бойитишдан иборат эканлиги белгиланган. Бу ўз навбатида Шарқ-Уйғонув даврининг (IX — XI асрлар) бутун дунё тамаддунидаги ўрни ва ролини кўрсатиб беради.

Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган Амир Темур ва темурийлар даврида яратилган илм-фан, маданият ва меъморчилик дурдоналарини ислом маданиятининг нафақат юртимиздаги, балки бутун мусулмон оламидаги тараққиёт ва юксалиш даври сифатида кўрсатиш ҳам Марказнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган. Чунончи, ҳозиргача етиб келган осори-атиқалар, меъморий ёдгорликлар Темурийлар даврининг тараққиётини ўзида муҳасам этган муҳим манбалардир.

Марказ олдида қўйилган долзаб вазифалардан яна бири — бугунги кунда тобора катта аҳамият касб этаётган динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни самарали йўлга қўйиш мақсадида жаҳондаги нуфузли халқаро илмий муассаса ва тузилмалар, жумладан, ЮНЕСКО, АЙСЕКО каби ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдир.

Бу вазифаларнинг амалга ошиши улуг аждодларимиз бебаҳо меросини янада чуқурроқ ўрганиш, улардан нафақат халқимизни, балки инсониятни баҳраманд этиш, Ўзбекистон қандай муқаддас юрт экани билан дунёни янада яқинроқ таништиришга хизмат қилади.

Фахриддин МУҲАММАДИЕВ,
тадқиқотчи олим.

Қарорда буюк ватандошларимиз — Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотуридидий, Абу Муин Насафий, Қафқол Шоший, Абдуҳалиқ Гиждувоний, Нахмиддин Кубро, Бурхониддин Марғинович, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Ахрор Вали каби алломаларнинг беазир меросини илмий асосда чуқур тадқиқ этиш, уларнинг илмий-маънавий жасорати, улуг инсоний фазилатларини кенг тарғиб қилиш алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Улугбекнинг «Зиҳ»и дунё тамаддуни тараққиётига қўшилган беазир ва буюк кашфиётлардир. Уларнинг бебаҳо асарларини илмий ва назарий жиҳатдан ўрганиб, кенг жамоатчиликка, айниқса, ёшларимиз онгига етказиш ўта муҳим вазифалардан дидир.

Қарорда глобаллашув жараёнлари авж олиб, турли хил таҳдидлар хавф солиб турган бир маҳалда жаҳон аҳлини жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш йўлида бирлашишга қорлайдиган анжуман ва маърифий тадбирлар ўтказиб бориш ҳам ўз аксини топган.

Марказда Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва маданияти, давлатчилик

юртимизнинг бетақор тарихи ва маданияти, унинг тарихий шаҳарлари ва шахслари билан батафсил танишиш шарафига муяссар бўлишади.

Марказда маҳаллий ва чет эллик мутахассислар илмий тадқиқот билан шуғулланади ва уларнинг натижалари мунтазам равишда юртимиз ҳамда жаҳон жамоатчилигига эълон қилиб борилади. Чет элдан тақлиф қилинган илмий ходимларга берилаётган визалар учун консуллик ва бошқа йиғимлар олинмайдиган, уларга Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортининг VIP зали орқали бепул хизмат кўрсатилади.

Марказнинг муҳим вазифаларидан яна бири — Европа Ренессансининг

РАНГ-БАРАНГ
ДУНЁ

ҚОЧҚИНЛАР
маркази ёпилмоқда



Германиядаги қочқинларни қабул қилиш бўйича энг йирик марказ сентябрь ойида ёпилади.

2008 йилда иши тўхтатилган Темпельхоф аэропорти 2015 йилда қочқинларни қабул қилиш бўйича энг йирик марказга айланди.

Ҳозирги кунда у ерда тахминан 300 киши истиқомат қилади. Таъкидланишича, қочқинлар жорий йилнинг сентябрига қадар бошқа жойга кўчирилади.

ОРОЛ
сотувга қўйилди



Шотландияда майдони 1,8 минг гектардан ортиқ бўлган орал 4,25 миллион фунт стерлинг баҳосида сотувга қўйилди.

Маълумотларга кўра, Алва ороли катталиги бўйича мамлакатда иккинчи ҳисобланади. Орал ҳудудига қушларнинг 123 тури яшайди. Шунингдек, бугулар ҳам бор.

Таъкидланишича, оралда илк кишилар эраимиздан аввалги VI асрда яшай бошлаган. Орал 70 йил ичида илк бора сотувга қўйилмоқда.

У ерда сарой, ибодатхона, ресторан ва бошқа сақизта кўчмас мулк объекти борлиги айтилмоқда.

САМОЛЁТЛАР
парвози тўхтатилиши
мумкин

Глобал иссиқ келажақда фуқаролик самолётларининг учдан бир қисми парвозига тўққинчилик қилиши мумкин.

Олимлар ўртача ҳароратнинг дунёвий қўламда ўсиши самолётлар парвозига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиши ва иссиқ кунларда рейсларнинг учдан бир қисми бекор қилиниши мумкинлигини айтишди.

Мутахассисларнинг фикрича, жазирада кунда сийрақлашган ҳаво самолёт қанотларининг кўтарилиш кучини пасайтирар экан. Утган ойда мазкур сабаб билан АҚШдаги Феникс аэропортида 40 дан ортиқ рейс бекор қилинган.

Агар глобал иссиқ давом этса, самолётларнинг баъзи турларини иссиқ кунларда училиши учун оғирлигини 4 фоизгача камайтиришга тўғри келади.

1980 йилдан буён сайёрадаги ўртача ҳаво ҳарорати Цельсий бўйича, тахминан, 1 даражага кўтарилган.

2100 йилга келиб Ердаги атмосфера ўртача ҳарорати 3 даражага ошиши мумкин.

Интернет материаллари
асосида тайёрланди.

ЭЪЛОН

Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 октябрда 1247-сонли тартиб рақами билан рўйхатга олинган Тошкент шаҳар, Миробод туманидаги «Яқдиллик» ёпиқ акциядорлик жамияти (ИНН 203063491) тугатилади.

Даво ва эътирозлар эълон чиққан санадан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Реклама ўрнида



ИПОТЕКА-БАНК САРМОЯЛАРИ БАЛИҚЧИЛИКНИ

РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА



«Ёзёвон» туманидаги «Prod Fish Trade» масъулияти чекланган жамияти аъзолари «Марказий Фарғона сув омборидан фойдаланиш» бошқармаси билан тузилган шартномага асосан ижара асосида сув ҳавзасида садок, яъни қафас мосламалари усулида балиқ етиштириш билан шуғулланади.

— Балиқчилик қишлоқ ҳўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланади, — дейди жамият раҳбари Баҳодир Тешабоев. — Фаолиятимизни йўлга қўйишда «Ипотека-банк» АТИБ Фарғона вилояти филиали ходимлари томонидан ажратилган 4 миллиард сўмлик кредит жуда кўл келди. Молиявий кўмак ҳисобига ҳавзага Кўкон механика заводида тайёрланган 200 дона махсус мосламани олиб келиб ўрнатиб, балиқ етиштириш йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1 майдаги «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгилангандек,

балиқчиликка илмий асосланган технологияларни қўллашга интилаётимиз. Бу эса сув ҳавзасининг исталган ҳисмида балиқни парваришлашга имкон беради. Натияжада эни ва бўйи олти метр бўлган битта қафасда 4 тоннагача балиқ етиштириш мумкин бўлади.

Аҳоли жон бошига
истеъмол қилинадиган
балиқ микдори 1,5
килограммдан 2,9
килограммгача
оширилишига
эришилади.

Республикаимизда балиқчилик соҳасини ривожлантиришга масъул этиб белгиланган «Ипотека-банк» ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан балиқчилик ҳўжаликларига яқиндан

хизматлар ва молиявий кўмак кўрсатилмоқда. Чунончи жорий йилда 677 янги балиқчилик лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган.

Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, балиқчилик йўналишидаги 315 лойиҳага жами 72 миллиард 654 миллион сўм сармоя йўналтирилди. Шунингдек, 27 сув омборида жами 3304 дона қафас мосламалари ўрнатиш режалаштирилган. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун 43,2 миллион сўм сарфланиши кўзда тутилган.

Балиқчиликни ривожлантириш мақсадида «Ипотека-банк» АТИБ Фарғона вилояти филиали томонидан жами 9 миллиард сўм микдоридан кредит маблағлари ажратилиши ва 14 миллиард сўм микдоридан лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган, — дейди филиал бошқарувчиси Шерзод Раҳимов. — Балиқ овлаш режаси вилоятимиз бўйича 6800 тонна, балиқ чавоқлари етиштириш жами 9400 минг донани ташкил этади. Сунъий сув ҳавзасида 8440 минг дона, сув омборларида 660 минг дона, садок мосламаларида 300 минг дона балиқ етиштирилмоқда. Янги инкубация цехлари ва репродукторларни ташкил этиш топшириғига асосан 10 миллион личинка ишлаб чиқариш қувватига эга 1 та инкубация цехи ташкил этилиши кўзда тутилган. Шунингдек, 160 миллион сўм микдоридан қуввати 400 минг дона бўлган чавоқ ишлаб чиқариш репродуктори ташкил этилиши белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, йил бошидан буён банк филиали томонидан балиқчилик ҳўжаликларига жами 5245 миллион сўм микдоридан кредит ажратилди ва жами 6137 миллион сўм микдоридан лойиҳалар амалга оширилди. Режалаштирилган 40 гектар сув ҳавзалари түби чуқурлаштирилди, 20 км. дренаж коллекторлари тозаланди.

Фарғона вилоятида балиқчиликни янада ривожлантириш мақсадида илгор хорижий технологияга таяниб, Вьетнам тажрибасини қўлаган ҳолда, янги «Prod fish trade» МЧЖ балиқчилик ҳўжалиги ташкил этилди, «Марказий Фарғона»

сув омборида садок усулида балиқ етиштириш учун 4000,0 миллион сўм микдоридан лойиҳа ишлаб чиқилди. Лойиҳа бўйича жами 200 дона садок ўрнатилиши, 200 минг дона чавоқ билан балиқлантирилиши ва 1400 миллион сўм микдоридан омухта ем сарфи кўзда тутилган. Ҳозирда лойиҳанинг 2602,0 миллион сўм қисми молиялаштирилди, жумладан, 200 дона садок мосламаси сувга туширилди. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида 400 тонна балиқ етиштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги қарорига асосан Фарғона вилоятида «Ипотека-банк» АТИБ ва «Prod fish trade» МЧЖ ҳўжалиги билан биргаликда «Фарғонабалиқсаноат» МЧЖ таъсис этилди. Шунингдек «Ипотека-банк» АТИБ Фарғона вилояти филиали томонидан балиқ етиштиришдаги илгор хорижий тажрибага асосланган ҳолда, 2017-2019 йилларга мўлжалланган лойиҳа ишлаб чиқилди. Лойиҳа ташаббускори «Мирзасул боқи» фермер ҳўжалиги таъсисчилигидаги «Фарғона балиқсаноат агрофирмаси» МЧЖ томонидан балиқ уруғини етиштиришдан бошлаб, балиқни қайта ишлаш, қўшимча қиймат даражаси юқори бўлган махсус лотлар ишлаб чиқариш жараёнлари қамраб олинган.

2017-2019 йиллар давомида Фарғона вилоятида балиқчилик соҳасида амалга ошириладиган тизимли ишлар натижасида 2016 йилдаги 2812 тоннага нисбатан қарийб икки баробар кўп балиқ олинади ва аҳоли жон бошига истеъмол қилинадиган балиқ микдори 1,5 килограммдан 2,9 килограммгача оширилишига эришилади.

Буларнинг барчаси истиқболда балиқчилик соҳаси янада раванқ топишдан далолат беради. Ҳавзалардаги ҳазинамиз янада кўпайиб, халқимизнинг балиқ махсуслотларига бўлган эҳтиёжи қондирилади.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Чет элдан тақлиф қилинган илмий ходимларга берилаётган визалар учун консуллик ва бошқа йиғимлар олинмайдиган, уларга Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортининг VIP зали орқали бепул хизмат кўрсатилади.

ОГОҲДИК

Инсоният йигирманчи асрда жуда катта ютуқларга эришди. Оламшумул кашфиётлар қилинди. Кўплаб дардларга даво топилди. Бироқ одамзот йигирма биринчи асрга ўзи билан гиёҳвандлик деган балони ҳам олиб ўтдики, бугунги кунда бу муаммо бутун дунёни бирдек ташвишга соляпти.

ОИЛАДА ФАРЗАНД УЛҒАЙМОҚДА

Гиёҳванд моддани истеъмол қилишни бошлаган ўспиринни, унинг оиласини, яқинларини жуда катта ҳалокат кутиб тургани бугун ҳеч кимга сир эмас. Бу балога ружۇ қўйган ёшлар тақдир қандай экан топишни барчамиз биламиз. Ота-она, қариндош-уруғларнинг адоқсиз кўз ёшларини кўрганимиз. Гиёҳвандликка ружۇ қўйганлар пул топишнинг ҳар хил йўллари ни излайди. Ҳатто энг тубан ишга ҳам қўл уради. Чунки унинг хоҳишини қондириш учун маблағ зарур. Одатда гиёҳвандлар ҳеч қерда ишламайди. Ўз-ўзидан тушунарлики, уларнинг молиявий манбаи фақат ота-онаси, қариндошлари ва уйдаги мулкидир. Пул тополмаган, ўғрилиқ, талончилик, ҳатто қотиллик йўлига ҳам кириб боради. Натижада ашаддий жиноятчиға айланиб қолади.

Сергели туманида жойлашган таълим муассасаларида гиёҳвандлик, психотроп моддаларни истеъмол қилишнинг аянчли оқибатлари ҳусусида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Фарзанд тарбияси фақат уни моддий таъминотидан иборат эмас. Айрим ота-оналар турмуш таъшишлариға ўралашиб, фарзанднинг тарбияси билан шуғулланмаётганликлари ҳам ҳақиқат. Тарбия миллат учун ҳаёт-мамат масаласидир. Эртанги бугун вояга етаётган фарзандларимиз таълим-тарбиясига боғлиқ. Шундай экан, ўз келажакимизга беэтибор бўлмайлик. Вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни янада кучайтириш, улар томонидан турли ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир.

Ёш авлодни тўғри тарбиялаш, уларни ҳаёт қийинчиликлари ни енгишга ўргатиш барчадан бирдек масъулият талаб этади. Ота-она, таълим муассасалари ходимлари, маҳалла-қўй ёшларнинг билимини ошириш, уларнинг бўш вақтини тўғри ташкил қилиш, турли тўғаракларга иштироки масаласига жиддий эътибор қаратмоғи лозим. Гиёҳванд модда истеъмол қилиш инсон ҳаёти ва соғлиғига қанчалар зиён етказишини, бу офат кишини тўбсиз жарликка қулатишини, унинг азобларини ҳаётий мисоллар асосида тушунтиришимиз зарур. Яна бир гап. Фарзандларимизни бу бало-дан асраш учун уларни китоб ўқишга, спорт билан шуғулланишга шароит яратиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишимиз зарур.

Оилада фарзанд улғаймоқда. Уларнинг келажак бизнинг қандай таълим-тарбия бераётганимизга, зиммамиздаги вазифани қанчалик масъулият билан уйдалаётганимизга боғлиқдир.

Шерзод ЮЛДАШЕВ,
Жиноят ишлари бўйича
Сергели туман судининг судьяси.

ҲОФИЗНИНГ ЎЛМАС НАВОЛАРИ

ҳар бир хонадонда янграйверади

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимиз миқёсида кенг нишонланмоқда.

...1975 йил 5 ноябрь. Кун совуқ эди. Биз Иштихондаги 40-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчилари туманининг «Янги-кент» ҳўжалиги «Тўқсоновул» қишлоғида пахта йиғим-теримида эдик. Дала четидидаги симёғочга ўрнатилган радиоканалдан машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзов 58 ёшида оламдан ўтгани ҳақидаги хабарни эшитганимда, кўз олдим қоронғулашиб кетган эди...

2000 йилда Хоразм вилояти божхона бошқармаси бошлиғи вазифасига тайинланганимда, дастлаб ишни — Комилжон Отаниёзов қабрини зиёрат қилишдан бошлаган эдим.

Улуғ санъаткор абадий кўним тоған «Иморат ота» қабристонига ўтганлар руҳига Қуръон тиловат қилдик. Ўшанда эътиборимни Комилжон Отаниёзов қабри тепасидаги икки тул гужум (қайрағоч) ўзига тортди. Уни 1986 йилда тожикистонлик машҳур ҳофиз Жўрабек Муродов ўз қўли билан ўтказган экан.

Кейин Ўзбекистон халқ артисти Олмаҳон Ҳайитова билан санъаткор яшаган хонадонга бордик. Ҳофизнинг умр йўлдоши Имсин аянинг кўзи



ожиэзланиб қолган экан. Хонадон тўридан: «Олма, санмисан?», — деган овоз эшитилди. Олмаҳон опа унга хоразмча талаффузда: «Бийи, сиза бир ўгул олиб гилаётирман», — деди. Имсин ая мени дуо қилди...

Комилжон Отаниёзовнинг отаси Отаниёз охун ўз даврининг етук зиёлиси бўлган. Туркий ва форсийда шеър ва газаллар битган. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон иккинчи (Феруз) билан тенгдош ва дўст бўлган.

Комилжон Отаниёзовнинг онаси Анбархоним ҳам ўқимшли, зукко аёл бўлган. Ўтган асрнинг 60-йилларида Комилжон Отаниёзов на-размча талаффузда, балки бутун Марказий Осиёда, Озарбайжон, Ҳиндистон, Туркия каби бир қатор мамлакатларда донги чиққан ҳофиз эди. Унинг маромига етказиб қўйлаган қўшиқлари ҳар бир хонадонда янгради.

Комилжон Отаниёзовнинг укаси Фозилжон ўқитувчилик касбини танлайди. Кейинчалик у мактаб директори бўлиб ишлаётган пайтида автоҳа-

локатга учраб, вафот этади. Унинг беш нафар фарзанди ни ҳофиз ўз қарамоғига олади. Ҳаммасини уйли-жойли, олий маълумотли қилади. Фозилжон Отаниёзовнинг фарзанди Одибек ҳозир ҳофиз яшаган ҳовлида фарзанд ва набиралари билан истиқомат қилади.

Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислам Каримов томонидан марҳум санъаткор Комилжон Отаниёзов «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Ўшанда ушбу юксак давлат

мукофотини Одибек оға қабул қилиб олган эди.

Имсин она бир куни менга «Комилжон» деган шеърини ўқиб берди. Онахоннинг анча йиллардан буён ижод қилиб келишини шунда билганимиз. Ўша пайтдаги вилот солиқ бошқармасининг бошлиғи Исмаил Қўзиев билан бирга унинг шеърларини Матназар Абдулҳаким ва Ошиқ Эркинларга кўрсатдик. Матназар Абдулҳаким шеърларни саралаб, сўзбоши ёзиб берди ва бу тўплам 2002 йилда устознинг 85 йиллик юбилейи арафасида «Истиқлол нашидаси» номи билан чоп этилди.

Комилжон Отаниёзов Тошкентнинг Бешёғочида жойлашган ҳовлиси халқимизнинг машҳур фарзандлари Фафур Фулом, Юнус Ражабий, Карим Зокиров, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Ҳалима Носирова, Ботир Зокиров, Коммуна Исмоило-ва сингари инсонлар билан доим гавжум бўлган.

Халқимизнинг ардоқли фарзанди, эл суйган санъаткор Комилжон Отаниёзовнинг ўлмас наволари, бетақдор оҳанглари келгуси авлодларни ҳам санъат сеҳрига ошно қилади, уларнинг қалбига эзгулик ва меҳр-муҳаббат бахш этиб, ҳар бир хонадонда янграйверади...

Зафариддин ТУРДИЕВ,
истеъфодаги божхона
хизмати полковниги.

Спорт

Мустақиллигимизнинг 26 йиллиги арафасида Денов туманидаги «Саноатчилик» маҳалласида болалар ёпиқ сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди. Иншоотнинг лойиҳа қиймати 2 миллиард 747 миллион сўм бўлиб, бунёдкорлик ишлари «Термиз мармар» хусусий корхонаси курувчилари томонидан амалга оширилди.

Маҳаллада янги сузиш ҳавзаси

Замонавий ва кўркам мажмуа 25х11 ҳажмли бассейн, томошабинлар ўриндиқлари, ювиниш-кийиниш хоналари ва бошқа зарур шароитларга эга. Бу ерда 5 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар шуғулланади.

Мажмуанинг очилиш маросими спорт байрамига айланиб кетди. Махсус дастурдан сўнг маҳалла ёшлари ўртасида 25 ва 50 метр масофага сузиш мусобақаси ташкил қилинди. Ғолиб ва совриндорларга туман ҳокимлиги ҳамда ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Реклама

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.



Fitch Ratings

халқаро рейтинг
агентлиғи

«ASAKA» BANK

акциядорлик тижорат
банкнинг
халқаро рейтингини

«Барқарор»

геб баҳолағи

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 738
9319
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21:20
Topshirilgan vaqti — 01:55

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

7 720 10 763 006

1 2 3 5 6